

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 3-mart, payshanba

№ 08 (9172)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

БМТ БОШ КОТИБИ ЎРИНБОСАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов жорий йилнинг 3-4 март кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган “БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режаси доирасида Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги минтақавий ҳамкорлик” юқори даражадаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган БМТ Бош котиби ўринбосари – Терроризмга қарши курашиш бошқармаси раҳбари Владимир Воронков билан учрашди.

Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги шерикликнинг бугунги ҳолати ва ўзаро муносабатни ривожлантириш истиқболли муҳокама қилинди. Хусусан, республикамиз билан мазкур бошқарма ўртасидаги алоқанинг асосий йўналишлари қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон сўнгги йилларда БМТнинг терроризм ва экстремизмга қарши курашиш масалалари бўйича ихтисослашган тузилмалари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Давлатимиз бу борадаги асосий универсал ҳуқуқий ҳужжатлар иштирокчиси ҳисобланади.

Мамлакатимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 4 та резолюцияси қабул қилинди. Ўтган йили Ўзбекистон илк бор Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашга аъзо бўлди, вакилимиз 2022 йилга раис ўринбосари этиб тайинланди.

Томонлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинганининг 30 йиллиги муносабати билан ўзаро табрик алмашдилар.

ЎЗА

ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАЪЛИМИНИ Қўллаб-қувватлашга қаратилган ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик сабаб “Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегияси” сари тамойили асосида ишжаоли, фидойи она-сингилларимиз Ватан равнақи ва тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Олтиной МАМИРОВА,
Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Хусусан, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий стратегияларда хотин-қизларнинг тўлиқ ва тенг ҳуқуқли иштироки таъминланмоқда. Давлат органларининг барча бўғинларида хотин-қизлар бево-сита иштирок этмоқда.

Шунингдек, жойларда ҳар бир ижтимоий кўмакка муҳтож хотин-қизлар билан манзилли ишлаш мақсадида 2020 йилдан бошлаб “Аёллар дафтари” ташкил этилди. Айни кунга қадар унга киритилган 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик кўмак кўрсатилди.

Ушбу дафтарга киритилган аёллар рўйхатини шакллантириш ва унга киритилган хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқिशларини тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш мақсадида Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ташкил этилди.

Кенгаш томонидан хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникма олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Куни кеча Давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган видеоселектор ййгилишида ҳам бу борада амалга оширилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган вазифалар белгилаб берилди.

(Давоми 3-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВНИ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ерларининг самарадорлигини, жумладан, сувни тежайдиган технологияларни қўллаган ҳолда, оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари замон талабларига мослаб борилганлиги сабабли сувни тежайдиган технологиялар 2021 йилнинг ўзида 433 минг гектар майдонда жорий этилди ва уларнинг умумий кўрсаткичи суғориладиган майдонларнинг 17 фоизини ташкил қилди.

Бироқ, сувни тежайдиган суғориш тизимларини ишлаб чиқариш, етказиб бериш, харид қилиш, жойларда лойиҳалаштириш ва ўрнатишдаги камчиликлар ҳамда айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг бу борадаги кўникмалари етарли эмаслиги мазкур технологияларнинг ўз вақтидан кечикиб жорий қилинишига сабаб бўлмоқда.

Сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишдаги мавжуд камчилик ва

муаммоларни бартараф этиш, минтақада кузатилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув ресурсларидан янада самарали фойдаланиш мақсадида:

1. Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг 2022 йилда 478 минг гектар майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш орқали сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. 2022 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича прогноз кўрсаткичлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бош вазир ўринбосари Ш.М. Ғаниев:
а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда мазкур қарорга 1-илова билан тасдиқланган прогноз кўрсаткичларга мувофиқ 2022 йил якунига қадар республика бўйича

камида:

230 минг гектар, шу жумладан, 160 минг гектар пахта хомашёси етиштириладиган майдонларда томчилатиб суғориш;

28 минг гектар, шу жумладан, 25 минг гектар бошоқли дон етиштириладиган майдонларда ёмғирлатиб суғориш; 2 минг гектар қишлоқ хўжалиги экин майдонларида дискретли суғориш тизимлари жорий қилинишини;

218 минг гектар экин майдонларининг лазерли ускуна ёрдамида текисланишини ташкил этсин;

б) Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Бош прокуратура (Ш.Ж.Рахимов), Ички ишлар вазирлиги (С.А.Нишанбаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда тасдиқланган прогноз кўрсаткичлар ижроси юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин ҳамда натижаларини танқидий муҳокама қилиб борсин.

(Давоми 2-саҳифада)

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

“ҚУТЛУҒ ОРЗУЛАР ОҒУШИДА ЯШАБ, МЕҲНАТ ҚИЛАЯПМАН”

Мен бу аёл ҳақида тиббиёт соҳасида кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган, яқин қадрдоним Давлатали Қосимовдан эшитгандим.



– Меҳрибон она, самимий инсон, соҳанинг фидойи мутахассиси, доимо интилиб яшаш, ўқиш, ўрганиш, борлиқни яшлликка бурқаш, шукроналик ила ҳаёт кечириб унга узукка кўз қўйгандек ярашадиган фазилатлар, – дея таърифлаганди биродарим.

Яқинда бу инсон билан кўришиш, суҳбат қуриш имконияти насиб этди. Қаҳрамонимиз Лариса Тоғаева 1965 йил Наманган шаҳрининг Ишчи маҳалласида, вилоят шифохонасида узоқ йиллар рентгенолог бўлиб ишлаган Аҳмед Тагаев оиласида дунёга келди. Онаси, ўқитувчилик қилган Венера Беляшованинг талабчанлиги боис акалари Ринат ва Радик каби мактабни 1982 йилда олтин медалга тамомлашга муваффақ бўлди. Ота касбига меҳр қўйди. Шу йили Тошкент тиббиёт институтининг санитария-гигиена факультети талабасига айланди. 1988 йилда муваффақиятли тамомлаб Наманган вилояти санитария эпидемиологик-осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармасининг санитария-гигиена лабораториясида врач-лаборант бўлиб иш бошлади.

Зехни ўткир, касбига меҳр қўйган ёш мутахассиснинг меҳнатсеварлиги, иш жойини чинидек тоза тутиши, гулларга бурқашни устози, лаборатория мудири Василий Тепаевга маъқул бўлди. Унинг янада тажриба орттиришида Зоҳиджон Нурмирзаев, Светлана Петровна, Валентина Шербакоева, Раиса Ким каби устозларининг кўмаги, маслаҳатлари кўл келди. Йиллар ўтиб бошқарманнинг етук мутахассислари қаторидан ўрин олди. Номини тадбир, байрамларда тилга олинди, фахрий ёрлик, совринлар билан тақдирланди. Бу ютуқлар уни янада астойдил меҳнат қилишга ундади. 2008 йили Соғлиқни сақлаш аълочилиги кўрак нишони билан мукофотланди.

(Давоми 3-саҳифада)

“ЭРКАТОЙ” – ЭРТАКЛАРГА БОЙ

Сирдарё туманининг чекка ҳудудида очилган “Оҳанрабо Медиа МЧЖ”га қарашли давлат хусусий шерикчилик асосидаги “Эркатой” номли нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп фурсат бўлгани йўқ. Шунга қарамай бу болалар боғчасини Сирдарё туманида деярли ҳамма билади.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

4

“КҮЁЁ” МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ ҲУДУДИДАГИ МАЗКУР МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҲАМ ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ ЙЎЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРНИНГ УЗВИЙ ДАВОМИДИР. ТАЖРИБАЛИ ТАДБИРКОР, “ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ СОҲИБАСИ МАЛИКА ҒАНИЕВА “АСАКА” АТБ СИРДАРЁ ФИЛИАЛИДАН 2 МИЛЛИАРД 700 МИЛЛИОН КРЕДИТ ВА 1 МИЛЛИАРД 800 МИЛЛИОН СЎМ ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИГА ЗАМОНАВИЙ, ҚЎРҚАМ БОЛАЛАР БОҒЧАСИНИ БУНЁД ЭТДИ.



ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Навоий шаҳридаги “Navpromlitmash” масъулияти чекланган жамияти 2007 йилда ташкил этилган бўлиб, дастлаб қурилиш-бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш билан шуғулланган бўлса, кейинчалик машинасозлик йўналишида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирилди. Натижада четдан олиб келинган алюминий ва мисдан ясалган электр қотирғич (наконечник)лар ҳамда сўриб олувчи қовурғали ускуналарлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

– Ҳозирги пайтда корхонамизда санаят филтрлари ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, маҳсулотларимиз “Навоий кон-металлургия комбинати”, “Навоийазот”, “Навоий иссиқлик электр станцияси” АЖларга етказиб бераёلمиз, - дейди масъулияти чекланган жамияти раҳбари Иброҳим Файзуев. – Жорий йилдан бошлаб эса маҳсулотларимизни экспорт қилишни режалаштирмаёқдамиз. Бу борада Россиянинг Санкт-Петербург шаҳри тадбиркорлари билан музокаралар олиб бораёلمиз. Ҳамкорлигимиз натижасида улар бизга металл листлар етказиб беришади, биз эса ўз навабатида уларни тайёр маҳсулотлар билан таъминлаймиз.

Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган суратлар.



(Давоми 3-саҳифада)

"Agro-subsidiya" yagona axborot tizimi жорий этилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВНИ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев), "Худудий электр тармоқлари" АЖ (У.М. Мустафоев), Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси (Б.Ф. Исламов) билан биргаликда бир ҳафта муддатда 2022 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича манзилли рўйхатни тасдиқласин, бунда:

сувни тежайдиган тизимлар, биринчи навбатда, йирик сув узатиш ва сув чиқариш тармоқларининг бош қисмида жорий этилиши лозимлигини инобатга олган ҳолда "бир канал – бир тизим" тамойили асосида жойлаштирилишига;

экин майдонларининг мавжуд инфраструктурасидан келиб чиққан ҳолда доимий равишда узлуксиз электр энергияси ва сув билан таъминлаш имкони мавжудлигига эътибор қаратилсин.

4. 2022 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тартиби белгилансин:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар 2-иловага мувофиқ;

сувни тежайдиган суғориш тизимларини харид қилиш ва қуришга ажратилган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар 3-иловага мувофиқ тақдим этилади.

Субсидия маблағлари мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ ҳисоб-китоб қилингандан сўнг, ҳисоб-китоб қилинган сумманинг:

50 фоизи тизим жорий қилинган йили ажратилади;

50 фоизи келгуси йили ҳосилдорлик ошиши ва ускуналарнинг ишлатилишига қараб ажратилади;

қўшимча 20 фоизи учинчи йилда жорий қилинган тизимни ишлатган ҳолда юқори ҳосилдорликни сақлаб қолган пахта, ғалла ва мева-сабзавот кластерларига тўлаб берилади.

5. Белгилансинки: мазкур қарорнинг 4-бандида назарда тутилган субсидия маблағлари жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш тизимлари камида беш йил ишлатилиши шартли билан ажратилади;

сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган ер майдонлари камида 5 йил мобайнида мақбуллаштирилмайди, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эътиёжлари учун олиб қўйилишига ердан фойдаланувчи розилиги асосида сарф этилган маблағларнинг ўрни тўлиқ қопланганидан сўнггина рухсат этилади;

2021 йилда сувни тежайдиган суғориш

технологияларини жорий қилганлиги учун Давлат бюджетдан субсидия маблағларини олган, бироқ жорий этилган сувни тежайдиган суғориш тизимларини суғориш мавсумида ишлатишга улгурмаган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар мазкур тизимни 2022 йил суғориш мавсумига қадар ишга туширмаган тақдирда олинган субсидия маблағларини белгиланган тартибда Давлат бюджетига қайтаради.

Бош прокуратура (Ш.Ж.Рахимов), Агроекономика мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (А.Д.Вахабов) ва Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев ва Р.Ж.Қаршиев) мазкур бандда белгиланган талабларнинг ижросини қатъий назоратга олсин.

6. Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров, Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) 2022 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш учун республика бюджетидан 1 182,4 миллиард сўм маблағларнинг ўз вақтида ажратилишини таъминласин.

7. Сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинган экин майдонлари узлуксиз:

сув билан таъминланишига – сув хўжалиги вазирлиги Ш.Р. Хамраев;

электр энергияси билан таъминланишига – "Худудий электр тармоқлари" АЖ бошқаруви раиси У.М.Мустафоев шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

8. Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги республика бюджетдан молиялаштирилган ташкилотларда мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳисобига:

ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари таркибидан 1 штат бирлигидан иборат ички аудит гуруҳлари (кейинги ўринларда – ИТХБ ички аудит гуруҳлари) ташкил этилсин;

Сув хўжалиги вазирлигининг ички аудит хизматига қўшимча 1 та штат бирлиги ажратилсин.

Белгилансинки:

а) ИТХБ ички аудит гуруҳлари бевосита Сув хўжалиги вазирлигининг ички аудит хизматига бўйсунди;

б) ИТХБ ички аудит гуруҳларининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ ажратилган субсидияларнинг тўғри ҳисобланганлигини ҳамда белгиланган тартибда расмийлаштирилганлигини ўрганиш;

жорий қилинган сувни тежайдиган тизимларнинг ҳаққонийлигини жойига чиққан ҳолда ўрганиш;

Сув хўжалиги вазирлигига сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш ёки ажратмаслик юзасидан хулоса киритиш;

сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга сарфланган харажатлар бўйича ҳужжатларни ҳамда бу борада амалга

оширилган бухгалтерия операцияларини доимий мониторинг қилиб бориш;

сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишда вужудга келиши мумкин бўлган қонун бузилиши ҳолатларининг барвақт олдини олишга қаратилган чоралар юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни ривожлантириш бўлими томонидан юритилган сувни тежайдиган тизимларнинг жорий қилинган майдонлари бўйича ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини назорат қилиш.

9. Бош вазир ўринбосари Ш.М. Ғаниев Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Ш.Ш. Шарахметов) билан биргаликда бир ой муддатда ўтган йилларда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш ишларини сифатли амалга оширган ҳамда бозор иқтисодиётида эркин рақобат талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган "Tomchi-reestr" пудрат корхоналарининг ягона электрон реестри (кейинги ўринларда – "Tomchi-reestr" ЯЭР)ни ишлаб чиқсин.

"Tomchi-reestr" ЯЭРни ишлаб чиқишда, жумладан, қуйидагиларга эътибор қаратилсин:

корхонанинг ишлаб чиқариш базасига эга бўлишига;

корхона томонидан маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилганлиги ёки хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг расмий дилерлик мақомига эга бўлишига;

амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан солиқ хавфи даражасига;

лойиҳани амалга ошириш учун зарур техника, малакали мутахассис, жумладан, лойиҳачи, инженер ва агрономлар билан таъминланганлик даражасига;

амалга оширилган лойиҳалар доирасида фермер хўжаликларига сервис хизмати кўрсатилиши йўлга қўйилганлигига;

Белгилаб қўйилсинки, "Tomchi-reestr" ЯЭРга киритилган пудрат корхоналари томонидан амалга оширилган лойиҳаларга субсидия маблағлари ажратилмайди.

10. "Tomchi-reestr" ЯЭРга киритилган субъектларни аниқлаш учун Сув хўжалиги вазирлигига:

Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ходимлар сони, асосий воситалар ҳажми, олинган даромадлар, тўланган солиқлар ва иш ҳақи фонди тўғрисидаги маълумотлар;

бошқа мутасадди вазирликлар ва идоралар томонидан зарур идоравий маълумотлар ўрнатилган тартибда тақдим этилиши белгилаб қўйилсин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (К.А. Юлдашев) Сув хўжалиги вазирлиги (Р.Ж. Қаршиев), Ахборот технологиялари ва комму-

никацияларини ривожлантириш вазирлиги (О.А.Пекосёв) ҳамда Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров) билан биргаликда 2022 йил 10 мартга қадар сувни тежайдиган технологияларни жорий қилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар бериш юзасидан тегишли материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ҳамда ваколатли орган ва ташкилотлар билан келишишнинг "Agro-subsidiya" ягона ахборот тизими (кейинги ўринларда – "Agro-subsidiya" ЯАТ) жорий қилинишини таъминласин.

12. "Agro-subsidiya" ЯАТ ҳамда "Tomchi-reestr" ЯЭРдан фойдаланиш харажатлари Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилиши белгилансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 октябрдаги "Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4499-сон қарорига мувофиқ 2022 йил 1 январдан:

пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштириш учун насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қилган электр энергияси қийматини Давлат бюджетидан субсидиялар ҳисобига қоплаш тартиби фақат сувни тежайдиган технологияларни жорий этган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига татбиқ этилиши;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари томонидан сув хўжалиги ташкилотларининг суғориш қудуқлари ва вертикал дренаж қудуқларидан қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун фойдаланишга сувни тежайдиган технологияларни қўллаш шартли билан рухсат этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Бош прокуратура (Ш.Ж.Рахимов), Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров) Ички ишлар вазирлиги (С.А. Нишанбаев) ва Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев ва Р.Ж. Қаршиев) мазкур бандда белгиланган талабларнинг ижросини қатъий назоратга олсин.

14. Иқтисодий тарақиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И.Норқулов) Молия вазирлиги (А.Я.Хайдаров) ва Сув хўжалиги вазирлиги (Р.Ж.Қаршиев) билан биргаликда икки ой муддатда 10 гектардан кам бўлмаган пахта ва бошоқли дон майдонлари учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг 50 фоизига, бироқ 100 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда қоплаш тартибин ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Сув хўжалиги вазирлиги (Р.Ж. Қаршиев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

(А.М.Тўраев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (Ш.У. Турдиқулова) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Р.Р. Жакимов) билан биргаликда томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган ғўза майдонларида суғориш меъёрлари, ғўзанин ривожини таъминлашга қаратилган инновацион агротехнологияни ишлаб чиқиш бўйича илмий лойиҳа тайёрласин ва экспертиза натижаларига мувофиқ илмий фаолиятга оид Давлат дастурлари доирасида амалга ошириш чораларини кўрсин.

16. Қуйидагиларга:

Бош вазир ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига – ҳолислик ва шаффофлик тамойилларига асосланган ҳолда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини таъминлаш;

сув хўжалиги вазирлиги Ш.Р.Хамраев зиммасига – худудларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда томчилатиб суғориш тизимини қуриш бўйича намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, томчилатиб суғориш тизимини монтаж қилиш ва сервис хизмати кўрсатиш гуруҳлари ташкил этилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ж.А.Ходжаев зиммасига – худудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, сувни тежайдиган технологиялар орқали пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштириш бўйича агротехнологик хариталарни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Алкоголь ва танамо бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги директори Р.Р.Бобоев зиммасига – барча янги ташкил этилаётган саноатбоп узум плантацияларига томчилатиб суғориш тизимлари ўрнатилишини таъминлаш юзасидан жавобгарлик юклансин.

17. Сув хўжалиги вазирлиги (А.А. Мирзаев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ш.Ш. Мирзаев) ва Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров) билан биргаликда икки ҳафта муддатда мазкур қарорга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги 95-сон қарорига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритишни назарда тутадиган Хукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилсин.

19. Мазкур қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 1 март

Ш.МИРЗИЁЕВ

Сарҳисоб

"Ўзагросуғурта" акциядорлик жамиятида 2021 йил якунлари ҳамда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида келиб тушган мурожаатлар, уларни кўриб чиқиш ва кўтарилган масалаларни ҳал қилиш ҳолати ҳақида брифинг ўтказилди.

Маълумки, трансформация доирасида ўтказилган ребрендинг натижасида компаниямиз бугунги кунда "Uzinsurance" товар ва хизмат кўрсатиш белгиси остида фаолият олиб бормоқда. "Ҳар бир миқдор муҳим, унинг манфаатлари устувор" тамойили асосида фаолият юритаётган компаниямизда истеъмолчилар манфаати устувор ҳисобланиб, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш хизмат кўрсатишнинг бош мезони қилиб белгиланган.

Компания жамоаси ўтган йили суғуртанинг ижтимоий аҳамиятидан

ҚАЧОНГАЧА ҲАЙДОВЧИЛАРГА АСОССИЗ ЖАРИМА ҚўЛЛАНИЛАДИ?

ЁХУД ПЛАНШЕТДАГИ ЯНГИЛАНМАГАН МАЪЛУМОТЛАР

келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятини маҳаллабй ишлаш йўналишига қаратиб, бунда аҳоли билан бевосита мулоқотлар олиб борди. Жумладан, компаниянинг раҳбар ходимлари аҳоли хонадонларига кириб, уларнинг талаб ва истакларини ўрганди. Мазкур жараёнда "Темир" дафтарга, "Аёллар" ва "Ёшлар" дафтарига киритилган фуқаролар асосий эътиборда бўлди. Яна бир муҳим жиҳат, 2021 йил давомида "Uzinsurance" компанияси оммавий қабулларга ҳам катта эътибор қаратди. Жойларда ташкил этилган учрашувларда суғурта билан боғлиқ муаммолар, умуман одамлар ҳаётини енгил қилишга, уларнинг ҳаётдан розилигини таъминлашга қаратилган мурожаатлар ечими диққат марказда бўлди. Компания бошқаруви раиси ва ўринбосарлари худудларда аҳоли шу билан бирга тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан тўғридан-тўғри мулоқот ўтказиб, уларнинг мурожаатларини ўрганди.

Энди бевосита мурожаатларга тўхталадиган бўлсак, таъкидлаш керакки, компанияга келиб тушган мурожаатларнинг қарийб 90 фоизи мазмунан

суғурта қопламасини тўлаш билан боғлиқдир. Шундай қилиб, "Uzinsurance" савдо бренди остида фаолият юритаётган компанияга 2021 йилда фуқароларимиз томонидан жами 7150 та мурожаат келиб тушди. Шундан 6293 таси қаноатлантирилди ва ушбу суғурта даъволари юзасидан миқозларга жами 35,4 миллиард сўмлик қўрилган зарарлар қоплаб берилди. Тўлов рад этилган мурожаатлар сони эса 460 тани ташкил этди. Рад этилишига асосий сабаблардан бири бу – суғурта ҳодисасининг шартнома шартларига тўғри келмаслиги ҳамда суғурта ҳодисаси тасдиқланмаганлиги билан изоҳланади. Ўтган йили қўрилган зарарларни қоплаш бўйича тўловлар асосан қуйидаги суғурта турлари кесимида амалга оширилди:

► *Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашда* 1227 мурожаат юзасидан 9 миллиард сўм.

► *Иш берувчинини фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш суғурта тури бўйича жами 100 та ҳолатда* 6,25 миллиард сўм.

► *Гаровага қўйилган мол-мулкни ихтиёрий суғурталашда* 136 та ҳолат бўйича қарийб 2,5 миллиард сўм.

► *Истеъмол кредит қайтмаслигини ихтиёрий суғурталаш бўйича* 846 та мурожаат юзасидан 5,6 миллиард сўм.

► *Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилсини ихтиёрий суғурталаш бўйича* 205 та мурожаат юзасидан салкам 7 миллиард сўмлик суғурта қопламалари тўлаб берилган.

Ўтган йилдаги энг йирик суғурта товларини худудлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, Тошкент шаҳрига 5,2 миллиард сўм, Бухоро вилоятига қарийб 4,8 миллиард сўм, Тошкент вилоятига 4,5 миллиард сўм, Қорақалпоғистон Республикаси ва Наманган вилоятидаги миқозларнинг мурожаати бўйича 3 миллиард сўмдан суғурта қопламалари амалга оширилган. Айтиш керакки, "Uzinsurance" компанияси томонидан суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва ушбу мурожаатлар юзасидан тўловларни амалга ошириш ишлари 2022 йилда ҳам жадал олиб борилаётган. Жорий йилнинг 1 март ҳолатига кўра, аниқланган суғурта хо-

дисалари сони жами 1050 тани ташкил этди. Шундан 602 та ҳолат бўйича 2,8 миллиард сўмдан ортиқ зарарлар қоплаб берилди. Бугунги кунда суғурта ҳодисаси сифатида тан олинган 448 та ҳолат юзасидан товон тўлаш жараёни давом этмоқда. Мурожаатлар орасида суғурта билан боғлиқ аҳолини ўйлантираётган муаммолари масалалар ҳам мавжуд. Мисол учун, жорий йилнинг 9 февраль кунги фуқаро Қўлдошев Хайрулло Эргашевич шикоят хати йўлади. Унда 2022 йил 19 январь кунги "Ўзагросуғурта" Асака тумани суғурта марказида "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш полиси онлайн расмийлаштирилган, 7 февралда Тошкент вилояти Оҳангарон туманида жойлашган "Чинор" мунтазам йўл патрул хизмати масканида йўл патрул хизмати инспектори томонидан Е-полис расмийлаштирилганлиги текширилганида тегишли маълумот мавжуд эмаслиги ва унга нисбатан асоссиз жарима қўлланилганлиги ҳақида баён этилган. Худди шу мазмундаги мурожаатлар сони жорий йилнинг 1 март

ҳолатига 437 тани ташкил этмоқда. Дарҳақиқат, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларига бириктирилган планшетдаги маълумотлар доимий (онлайн) янгиланмаганлиги туфайли, бугунги кунда Е-полислар расмийлаштирилганини тасдиқлашда айрим ноаниқликлар юзага келмоқда. Бу ўз навбатида, айрим ҳайдовчиларга нисбатан асоссиз жарима солинишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, миқозларнинг суғурта компаниясига нисбатан жиддий ва ҳақли эътирозларини келтириб чиқармоқда.

"Uzinsurance" компанияси томонидан мазкур масала юзасидан тегишли мутасадди ташкилотларга хабар берилган. Умид қиламизки, ушбу муаммага жиддий эътибор қаратилади ва тез кунда электрон полис расмийлаштирилганлигини текшириш жараёни билан боғлиқ ноаниқликларга барҳам берилади. Шунингдек, асоссиз жаримага тортилган ҳайдовчиларга нисбатан адолатли ҳуқуқий баҳо бериш чоралари кўрилади.

"Uzinsurance" компанияси миқозларига сифатли суғурта хизматлари кўрсатишни ўзининг асосий вазифаси деб билади ва унга ҳар доим устуворлик билан қарайди.

ШУҲРАТ ҚОБИЛОВ,
"Uzinsurance" бошқаруви раисининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Магистратурада ўқийётган қизларнинг контракт пуллари тўлиқ бюджетдан қоплаб берилади

ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАЪЛИМИНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Хусусан, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди. Ўз фаолиятини республикамизнинг ҳудудларида тўлақонли амалга ошириши учун Хотин-қизларни қўлаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда “Аёллар дафтари” жамғармасини мустақил бошқариш ваколати ва юртимиздаги 9 минг 309 та маҳалла раисининг хотин-қизлар ва оила бўйича ўринбосари лавозимлари Қўмита тизимига ўтказиб берилиши таъкидланди.

Шунингдек, аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб хусусий секторда расмий ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик нафақасини давлат томонидан тўлаш тизими йўлга қўйилиши маълум қилинди. Бунинг учун эса жорий йилда бюджетдан 200 миллиард сўм, 2023 йилда эса 1 триллион 700 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Яна бир муҳим янгиллик, бу келгуси ўқув йилидан бошлаб, магистратурада ўқийётган қизларнинг контракт пуллари тўлиқ бюджетдан қоплаб берилиши ҳамда таълим контрактларини тўлаш учун қизларга илк мартаба 7 йил муддатга фойсиз кредит бериш тизимининг жорий этилиши бўлди.

Ушбу ташаббус минглаб оилалар ва уларда истиқомат қилаётган хотин-қизларнинг кўнглига қувонч ва ёруғлик олиб кирди.

Сабаби, бугунги кунда минг афсуски, оила ва жамиятда зўравонликка учраб келатган хотин-қизларнинг кўпчилиги ҳаётда ўз касбига эга бўлмаган, ўқимаган аёллар бўлиб қолмоқда.

Эндиликда ўқиб таълим олиш ҳамда ўзи қизиққан соҳанинг етук мутахассиси бўлишни истаган ҳар бир хотин-қиз таълим олиб ўз келажагини қўриш имкониятига эга бўлади.

Шунингдек, бўлғуси оналарнинг билимини, дунёқараши кенг шахс сифатида тарбияланиши, буюк халқ бўлиб шаклланишида Ўзбекистон ўз олдиға мақсад қилган учинчи Ренессанс пойдеворини яратилишида муҳим аҳамият касб этади.

Муҳтасар қилиб айтганда, аёл раҳбар ва кадрлар нафақат ўзлари каби минглаб оналар, опа-сингиллар дардини тинглаб муаммоларини ҳал қилади, шу билан бирга, жамиятдаги ҳеч бир адолатсизликка бефарқ қараб тура олмайди. Уларни тизимли қўлаб-қувватланиши эса, оила фаровонлиги, жамият тараққиёти ва юрт равнақи йўлида муҳим қадам ҳисобланади.

ЎЗА



ПИЛЛА ЕТИШТИРУВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА СУБСИДИЯ АЖРАТИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

“Ўзбекипаксаноат” уюмсида Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси томонидан ҳудудларда фаолият олиб борувчи корхона раҳбарлари иштирокида пилла етиштирувчи жисмоний шахсларга субсидия ажратиш тартибига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда соҳада қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини тўри таъминлаш, субсидия олувчи касаначиларнинг манзилли рўйхатини шакллантиришда инсон омиллиги йўл қўймаслик ва субсидия учун ажратилган маблағни тарқатиш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 8 июлдаги “Республикада мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, ипак ва жунни қайта ишлашни қўлаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ жорий йил 1 январдан бошлаб ҳонадонларда пилла етиштирувчи жисмоний шахсларга етиштириладиган пилла (хўл пилла) ҳосилининг ҳар бир килограмми учун 5 минг сўм миқдорда республика бюджети ҳисобидан субсидия ажратилиши йўлга қўйилди.

Шунга қўра, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори тасдиқланди. Ўқорида қайд этилганидек, ҳар йили пиллачилик кластерлари ва ипак курти уруғчилик кластерлари ва ипак курти уруғчилик корхоналари тақлифлариға асосан келгуси йилда пилла етиштириш ҳажми бўйича асо-

сий мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқади.

Қарор билан тасдиқланган низомға асосан, қўмита томонидан ҳар йили 20 июлгача мамлакатимиздаги пилла етиштириш прогнозлари ишлаб чиқилиб, Молия вазирлигига берилади. Молия вазирлиги прогноз асосида бюджетдан субсидия ажратиш, қўмитага 1 февралгача ўтказиб беради. Пиллачилик кластерлари ва ташиқлотлари “Агропилла” МЧЖлар билан субсидия олувчилар рўйхатини шакллантиради ва 25 февралгача уюшманинг ҳудудий бошқармасига беради ва бошқарма рўйхатларни умумлаштириб, 1 мартгача қўмитага юборади.

Қўмита 10 апрелгача пуллари субсидия олувчиларга бериш учун махсус ҳисоб-варақаларга ўткази-ди. Етиштирилган пилла ҳосили учун мажур субсидия 2025 йил 1 январга қадар ажратилади.

– Пиллачилик кластерлари ва ипак курти уруғчилик ташиқлотлари ўз махсус ҳисоб-варақаларидаги субсидия учун тушган маблағларни субсидия олувчиларнинг фақат банк карталарига,

агар банк картаси очилмаган бўлса, банкда уларнинг номларига очилган банк ҳисоб-варақаларига тақсимлайди, – деди Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси раиси Баҳром Шарипов. – Мажур қарор ижросини таъминлаш борасида жойларда айрим муаммо ва камчиликлар ёки тушунмовчиликлар вужудга келган тақдирда, қўмита томонидан ушбу ҳолат сабаблари ўрганилади ҳамда бартараф қилинади.

Пиллачилик кластерлари ва ипак курти уруғчилик корхоналари мажур қарор ижросини таъминлашни доимий равишда назорат қилади ва қонун бузилишларга йўл қўйилмаслиги юзасидан амалий чора-тадбирлар олиб боради.

Пиллачилик кластерлари ва ипак курти уруғчилик корхоналари томонидан етиштирилган пилла хомашёсининг ҳар бир килограмми учун 24 минг 700 сўм – пилланинг ўртача харид нархи бўйича ҳамда 5 минг сўм миқдорда субсидия маблағлари қурт боқувчиларга тўлаб берилади.

Гулноза БОБОЕВА, ЎЗА муҳбири.

“ҚУТЛУФ ОРЗУЛАР Оғушида яшаб, МЕҲНАТ ҚИЛАЯПМАН”

(Боши 1-саҳифада)

Ковид инфекциясининг тарқалиши энг аввало ушбу соҳа мутахассисларига катта масъулият юклади. Кеча-ю кундуз фидойилик намуналарини кўрсатиб фаолият юртишга тўғри келди. Ходимлар керак бўлса ажал билан рўбарў туриб кураш олиб борди. Ана шундай таҳликали кунларда Лариса Тоғаева ҳам эркалар билан ёнма-ён туриб ўз бурчини сидқидилдан ўтади. Меҳнатлари вилоят ҳокимлиги, бошқарма томонидан ҳам кўп бор эътироф этилди.

Юқорида таъкидланганидек, қаҳрамонимиз оилада ҳам меҳрибон ва талабчан она. Уч нафар фарзандни бир ўзи одобли, ўқимишли қилиб тарбиялаш йўлида кўпчилик ҳавас қилса, ўрганса арзиғулик натижаларга эришиб келаётир. Катта ўғли Темур

НамДУнинг хориж тиллари ва адабиёти факультетини биттириб, ишламоқда. Ўртанчи ўғли Равиль шу олийгоҳнинг биотехнология факультетиди, қизи Диана эса катта акаси таҳсил олган йўналишда касб эгалаш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

– Мен ўзимни Ўзбекистоннинг энг бахтли аёли деб ҳисоблайман. Боиси, юртимиз тинч, кечалари осойишта. Бозорларимиз, дастурхонимиз тўқин. Соҳам бўйича иш жойига, оиламга етадиган маошимга эгаман. Фарзандларим камолини кўришдек, келинлар олишдек қутлуғ орзулар оғушида яшаб, меҳнат қилаяпман. Менимча, она учун бундан ортиқ бахт бўлмаसा керак, дунёда. Шундай эмасми?! – дейди Лариса Тоғаева.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ



АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ – 2023

Қўпгина мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш тадбири камида ҳар ўн йилда бир мартаба ташкиллаштирилиши анаънага айланган. Республикаимизда ҳам энди ана шундай муҳим жараён йўлга қўйилади.

Мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш тадбири Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, 2023 йилнинг 1-25 ноябрь кунлари амалга оширилиши белгиланган. Хўш, мажур тадбир бизга нима беради? Аҳоли сонини рўйхатга олиш мамлакатда яшовчи барчага тегишли бўлган демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил ва аълоқ қилишнинг ягона жараёнидир. У аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи бўлиб, келгуси 10-20 йиллик ривожланишнинг прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ишончли пойдевор яратади. Аҳоли миграцияси тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади. Ўз навбатида, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлиги, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда ахборот тарзида фойдаланилади. Аҳоли сонини ишончли ҳисоблаш бўйича расмий статистика тизимиди асосий роль ўйнайди.

Жавлон АҲМЕДОВ, Миробод тумани статистика бўлими бошлиғи.

Эълон

TOSHKENT DAVLAT AGRAR UNIVERSITETI BO'SH (VAKANT) PROFESSOR-O'QITUVCHI LAVOZIMLARIGA MEHNAT SHARTNOMASI ASOSIDA TANLOV E'LON QILADI

КАФЕДРА МУДИРЛАРИ:

1. Dehqonchilik va melioratsiya kafedrasida;
2. O'simlikshunoslik va moyli ekinlar kafedrasida;
3. Qishloq xo'jaligi ekinlari seleksiyasi va urug'chiligi kafedrasida;
4. Agrokimyo va tuproqshunoslik kafedrasida;
5. O'simliklar karantini va himoyasi kafedrasida;
6. Qishloq xo'jaligi fitopatologiyasi va agrobiotexnologiyasi kafedrasida;
7. Meva-sabzavotchilik va uzumchilik kafedrasida;
8. Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash kafedrasida;
9. Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini standartlashtirish va sertifikatlash kafedrasida;
10. Ipkachilik va tutchilik kafedrasida;
11. Umumiy zootexniya va veterinariya kafedrasida;
12. O'rmonchilik va landshaft dizayn kafedrasida;
13. Dorivor o'simliklar kafedrasida;
14. Qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalashtirish va avtomatlashtirish kafedrasida;
15. Agrobiznes va turizm kafedrasida;
16. Axborot texnologiyalari va matematika kafedrasida.

PROFESSORLAR:

1. O'simlikshunoslik va moyli ekinlar kafedrasida;
2. Qishloq xo'jaligi ekinlari seleksiyasi va urug'chiligi kafedrasida (seleksiya);
3. Agrokimyo va tuproqshunoslik kafedrasida;
4. O'simliklar karantini va himoyasi kafedrasida;
5. Qishloq xo'jaligi fitopatologiyasi va agrobiotexnologiyasi kafedrasida (fitopatolog);
6. Qishloq xo'jaligi fitopatologiyasi va agrobiotexnologiyasi kafedrasida (agrobiotexnolog);
7. Meva-sabzavotchilik va uzumchilik kafedrasida (sabzavotchilik);
8. Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini standartlashtirish va sertifikatlash kafedrasida;
9. Umumiy zootexniya va veterinariya kafedrasida;
10. O'rmonchilik va landshaft dizayn kafedrasida;
11. Dorivor o'simliklar kafedrasida (0,5);
12. Agrobiznes va turizm kafedrasida (iqtsod);
13. Agrobiznes va turizm kafedrasida (agrolgistika);
14. Buxgalteriya hisobi, tahlil va audit kafedrasida.

DOTSENTLAR:

1. Dehqonchilik va melioratsiya kafedrasida;
2. O'simlikshunoslik va moyli ekinlar kafedrasida;
3. Qishloq xo'jaligi ekinlari seleksiyasi va urug'chiligi kafedrasida (biologiya);
4. Agrokimyo va tuproqshunoslik kafedrasida (sabzavotchilik);
5. Meva-sabzavotchilik va uzumchilik kafedrasida (mevachilik);
6. Ekologiya va botanika kafedrasida (ekologiya);
7. Ekologiya va botanika kafedrasida (biokimyo);
8. Ekologiya va fizika va kimyo kafedrasida (fizika);
9. Ekologiya va kimyo kafedrasida (kimyo);
10. Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash kafedrasida;
11. Ipkachilik va tutchilik kafedrasida;
12. Umumiy zootexniya va veterinariya kafedrasida;
13. Dorivor o'simliklar kafedrasida;
14. Qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalashtirish va avtomatlashtirish kafedrasida;
15. Agrobiznes va turizm kafedrasida;
16. Axborot texnologiyalari va matematika kafedrasida.

КАТТА О'QITUVCHILAR:

1. Agrokimyo va tuproqshunoslik kafedrasida;
2. O'simliklar karantini va himoyasi kafedrasida;
3. Qishloq xo'jaligi fitopatologiyasi va agrobiotexnologiyasi kafedrasida (fitopatolog);
4. Qishloq xo'jaligi fitopatologiyasi va agrobiotexnologiyasi kafedrasida (agrobiotexnolog);
5. Ekologiya va botanika kafedrasida (ekologiya);
6. Fizika va kimyo kafedrasida (kimyo);
7. Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash kafedrasida;
8. Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini standartlashtirish va sertifikatlash kafedrasida;
9. Tillar kafedrasida (ingliz tili);
10. Tillar kafedrasida (nemis tili);
11. Ipkachilik va tutchilik kafedrasida;
12. Umumiy zootexniya va veterinariya kafedrasida;
13. Umumiy zootexniya va veterinariya kafedrasida (veterinariya);
14. O'rmonchilik va landshaft dizayn kafedrasida;
15. O'rmonchilik va landshaft dizayn kafedrasida (landshaft dizayn);
16. Qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalashtirish va avtomatlashtirish kafedrasida;
17. Gumanitar fanlar kafedrasida (jismoniy tarbiya);
18. Agrobiznes va turizm kafedrasida (iqtsod);
19. Agrobiznes va turizm kafedrasida (agrolgistika);
20. Buxgalteriya hisobi, tahlil va audit kafedrasida;
21. Axborot texnologiyalari va matematika kafedrasida;
22. Axborot texnologiyalari va matematika kafedrasida (matematika);
23. Axborot texnologiyalari va matematika kafedrasida (AKT).

ASSISTENTLAR:

1. Dehqonchilik va melioratsiya kafedrasida (0,25);
2. O'simlikshunoslik va moyli ekinlar kafedrasida;
3. Agrokimyo va tuproqshunoslik kafedrasida (0,75);
4. O'simliklar karantini va himoyasi kafedrasida;
5. Qishloq xo'jaligi fitopatologiyasi va agrobiotexnologiyasi kafedrasida (fitopatolog);
6. Qishloq xo'jaligi fitopatologiyasi va agrobiotexnologiyasi kafedrasida (agrobiotexnolog);
7. Meva-sabzavotchilik va uzumchilik kafedrasida;
8. Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash kafedrasida;
9. Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini standartlashtirish va sertifikatlash kafedrasida;
10. Ipkachilik va tutchilik kafedrasida;
11. Umumiy zootexniya va veterinariya kafedrasida;
12. O'rmonchilik va landshaft dizayn kafedrasida;
13. Dorivor o'simliklar kafedrasida;
14. Qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalashtirish va avtomatlashtirish kafedrasida;
15. Agrobiznes va turizm kafedrasida;
16. Axborot texnologiyalari va matematika kafedrasida.

texnolog); 7. Meva-sabzavotchilik va uzumchilik kafedrasida (mevachilik); 8. Ekologiya va botanika kafedrasida (fiziologiya); 9. Ekologiya va botanika kafedrasida (ekologiya); 10. Fizika va kimyo kafedrasida (kimyo 0,75); 11. Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash kafedrasida; 12. Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini standartlashtirish va sertifikatlash kafedrasida; 13. Ipkachilik va tutchilik kafedrasida; 14. Umumiy zootexniya va veterinariya kafedrasida; 15. Umumiy zootexniya va veterinariya kafedrasida (veterinariya); 16. O'rmonchilik va landshaft dizayn kafedrasida; 17. Dorivor o'simliklar kafedrasida; 18. Qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalashtirish va avtomatlashtirish kafedrasida; 19. Agrobiznes va turizm kafedrasida (marketing); 20. Agrobiznes va turizm kafedrasida (iqtsod); 21. Buxgalteriya hisobi, tahlil va audit kafedrasida; 22. Axborot texnologiyalari va matematika kafedrasida (AKT).

O'QITUVCHILAR:

1. Tillar kafedrasida (ingliz tili);
2. Tillar kafedrasida (nemis tili);
3. O'zbek tili va adabiyoti kafedrasida (o'zbek tili);
4. O'zbek tili va adabiyoti kafedrasida (rus tili);
5. Jismoniy tarbiya va sport kafedrasida (jismoniy tarbiya).

Tanlov uchun hujjatlar e'lon chiqqan kundan boshlab bir oy davomida qabul qilinadi.

Talab qilinadigan hujjatlar: Rektor nomiga ariza; so'rovnomasi; tarjimai hol; tegishli oliy ma'lumoti haqidagi diplom, ilmiy daraja, ilmiy unvon; ilmiy ishlar va ixtirolar mavjud bo'lgan taqdirda, ularni tasdiqlovchi diplomlar, attestatlar nusxalari; malaka oshirish to'g'risidagi guvohnomalar nusxalari va ilmiy ishlar ro'yxati.

Tanlovga tushgan barcha hujjatlar oldindan kafedra majlisida ko'rib chiqiladi. Ilgari kafedrada ishlamagan shaxslarning hujjatlarini ko'rib chiqishdan oldin, ular tomonidan sinov ma'ruzalari (universitet professor-o'qituvchilari uchun – ochiq mashg'ulotlar) o'tkaziladi. Sinov ma'ruzalari va ochiq mashg'ulotlar mavzulari kafedra predmetlari bo'yicha o'quv dasturi talablariga muvofiq bo'lishi kerak. Tanlov qatnashchilarini test sinovlaridan o'tkazishga yo'l qo'yiladi. Ilgari o'zi egallab kelgan lavozim uchun tanlovda qatnashuvchi shaxslar kafedra majlisida tanlovdan oldingi davrdagi ilmiy-pedagogik, metodik, tarbiyaviy va boshqa ishlari to'g'risida hisobot beradi.

Hujjatlar quyidagi manzilga topshiriladi: 100164, Toshkent viloyati, Qibray tumani, Salar shaharchasi, Universitet ko'chasi 2-uy. Toshkent davlat agrar universiteti. Telefon: (71) 260-48-00.

Эълон

“ТОШКЕНТ МИНТАҚА” МЧЖ

бошланғич баҳоси олиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

“Республика иختисослаштирилган дизайн мактаби”нинг 2022 йил 22 февралдаги №01-07/07-21 сонли буюртмаомасига асосан Тошкент шаҳри Учтепа тумани Чилнозор-26 маъ 1А-ўйда сақланган “Ласетти” русумли (Давлат рақами 01/093 DEA, 2009 йил ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 33 007 000 сўм) автотранспорт воситаси аукцион савдосига қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2022 йил 10 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 1 кун аввал соат 16:00. Автотранспорт воситаси 2022 йил 10 март куни сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий савдоси 17 ва 24 март кунлари 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати 1 кун аввал. Савдо солиғига 5 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Фойиб харидор сотилиш баҳосидан 8 фойиз савдо ташкилотчисига тўлаб беради. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фойиздан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини АТБ “Капиталбанк” Яшнобод филиали, х/р:20280000405363013002 МФО: 01136, СТИР:308305364 га ўтказиб беради. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри Миробод тумани Матбуотлар кўчаси 32-уй. 71 233-28-52. Гувоҳнома рақами: 965941

"Ўзбекистон аёллари, бирлашайлик!"
Хотин-қизлар республика форуми шундай номланди

Болажонлар ошиқадиган маскан
ундаги шароитлардан ота-оналар мамнун

➔ 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

АЁЛ

МУҚАДДАС МЎЪЖИЗА ЯРАТУВЧИ

Президентимиз раислигида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруғ келажакимиз ҳам аёлларга боғлиқлиги таъкидланди.



"Агар халқимиз биздан рози бўлишини хоҳласак, аввало, мўътабар оналаримиз, опа-сингилларимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратишимиз керак. Она рози бўлса, оила рози бўлади, оила рози бўлса, жамият рози бўлади", – деди Шавкат Мирзиёев.

Бу мақсад мамлакатимизнинг Тараққиёт стратегиясида энг муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Уларнинг ижросини тизимли тарзда, ҳар бир маҳалла кесимида амалга ошириш учун Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган янги мақсад ва ғоялар Ички ишлар органлари тизимида "Ўзбекистон аёллари, бирлашайлик!" шиори остида ўтказилган хотин-қизлар республика форумида ҳам қизгин кўтиб олинди.

Форум ташкил этишдан асосий мақсад ички ишлар

органларида хизмат қилаётган хотин-қизларнинг билим савиясини, ташаббускорлигини, фаоллигини оширишдир. Шу билан бирга, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, шунингдек, ҳудудлардан келган аёллардан фаолиятидаги муаммоларини аниқлаш ҳамда уларга кўмаклашидан иборат.

Форум доирасида "Уч авлод учрашуви" ҳам бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан ички ишлар органи фахрий ходими, генерал-лейтенант Зокиржон Алматов ушбу соҳанинг қанчалик шарафли экани ва шу билан биргаликда ўзига яраша машаққатлари борлигини таъкидлади.

Бундан ташқари, давра суҳбати давомида вазирлик томонидан ички ишлар органи тизимида хизмат қилаётган 52 нафар хотин-қизга моддий ёрдам бериш мақсадида фоизсиз қарзлар тақдим этилди.

Форум доирасида тизимда фаолият юритаётган на-

мунали ходималарнинг ҳаёти ва хизмат жараёнлари акс эттирилган видеолавҳалар ҳам намойиш қилинди.

Тадбирга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси вакиллари, мудоффа ва адлия вазирлигининг ҳамда Миллий гвардия сафларида хизмат қилаётган хотин-қизларга Ички ишлар вазирлигининг байрам совғалари тақдим этилди.

Форум баҳорнинг илк кунларида ташкил этилгани боис иштирокчилар шоира Зулфияxonим ҳайкалининг зиёрат қилиб, унинг пойига гулчамбарлар қўйди.

Иштирокчилар Муқимий номидаги Ўзбек мусиқали драма театрига ташриф буюриб, "Айёргина аёлим" спектаклини томоша қилдилар.

Норгул АБДУРАИМОВА,
Ўза мухбири.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Парамон Янгиқўрғон туманининг энг баҳаво, йилнинг тўрт фаслида ҳам барчани ўзига оҳанграбодек қорлайдиган жаннатмонанд қишлоқ. Ўз салобати билан олислардан виқор тўкиб турувчи Ўнқор тоғининг пойида ястанган фэйзли макон. Бу заминда неча асрлардирки, ўзбек ва қирғиз миллатига мансуб аҳоли ахили ҳамжиҳатликда умргузaronлик қилиб келади.

БОҒЧАГА БАҲОР КЕЛДИ



Уларнинг орасидан таниқли олим уюшқор, санъат намоёндалари кўплаб етишиб чиққани бежиз эмас. Парамонликлар қадимдан фарзандлар тарбияси, илм олишига бефарқ бўлмаган. Улар учун зарур шарт-шароит яратиб бериш борасида ташаббус кўрсатиб келишгани бугун ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда.

Баҳор фаслининг илк кунларида қишлоқни айландик. Пешлавахасига "18 давлат мактабгача таълим ташкилотига хуш келибсиз", дея ёзиб қўйилган болалар боғчасидаги тадбир, шоду-хуррамлик бизни ичкарига қорлади. Мудиранинг рухса-



ти билан карантин қоидаларига амал қилган ҳолда дарвоза хатладик. Парамонликларнинг 93 нафар жажжилари тарбияланаётган, барча шароитларга эга боғча фаолияти билан танишдик. Наврўзона безатилган боғча ҳовлисида тажрибали мусиқа мутахассиси Сабоҳон Мирҳайдарова, тарбиячилар Зулфияxon Рустамова, Бумайрам Абдуллаева, Муҳаббатхон Ирисова, Дилшодахон Маткаримова, Соҳибахон Йўлдошева-лар бош бўлган гуруҳлар тарбияланувчилари томонидан ватанини, болалиқни, баҳорни мадҳ этувчи шеър, куй, қўшиқ янгради. Болаларга хос жозибдор рақслар ижро этилади. Сўнгра навбат спорт йўриқчиси Хуснидаҳон Мирюсупова ҳақамлигидаги қадимий оқ теракми, кўк терак, кий оладия шугинани-я, беш тош, кўз боғлаш, арқон тортиш каби ўйинларга берилди. Ғолибларга, унинг барча иштирокчиларига ҳар йилгидек Парамоннинг олийиммат тадбиркорлари томонидан тухфа этилган китоб, ўқув қуроллари, ўйинчоқлар совға этилади. Лўнда қилиб айтганда, баҳор, Наврўз энг аввало юрт келажак бўлган жажжилар масканига ана шундай фэйз, шукҳу билан кириб келади.

– Мен бу қишлоққа Учқўрғон туманининг олис Қўғай қишлоғидан келин бўлиб тушганман. Икки нафар қизим бор. Бахтли оила бекасиман. Олий маълумотли мутахассисман. 2018 йилда менга катта ишонч билдириб, ушбу мактабгача таълим ташкилотига мудир этиб тайинлашди. Бошида бироз қийналдим. Аммо аҳил жамоамиз, маҳалла фаоллари ёнимда бўлиб, доимо қўллаб-қувватлаб турди. Натижада ташкилотимизни туманда энг намунали, амалий семинарлар ўтадиган тарбия масканига айлантирдик олдик. Бугунги кунда ҳам бу борадаги ишларимизни жадал давом эттираяпмиз, – дейди мудира Севарахон Пулатова.

Равшанбек МИРЗОЛИМОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Менда ҳар томонлама фаол, жамиятда, қолаверса, бошқа соҳаларда ҳам ўз ўрнига эга аёллар тўғрисида мақола ёзиш ҳақида фикр туғилганида аввал бошида кўп ўйладим. Чунки мен тарифламоқчи бўлган қаҳрамон ҳар тарафлама ўзининг ўрнига эга, ўрнак қилиб ёзишга арзийдиган киши бўлсин. Кейинроқ амин бўлдимки, мен бу инсонни узоқдан излашим шарт эмас экан...

БИР ОИЛАДАН БЕШ ТАЛАБА

Фарзанд ота-она қалбининг гавҳари. Зеро, ота-она фарзандини меҳрини, муҳаббатини бериб вояга етказсади, унинг камолоти учун, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун эртадан кечгача меҳнат қилади, умид ва ишончга йўғрилган муҳаббати била тарбия этади. Фарзандининг кичик бўлсада эришган ютуқлари улар учун олам-олам қувонч, бир дунё шодлик...

Шу сўзларни ёзмоқдаманку кўз ўнгимда онамнинг сиймоси гавдаланади. Эсимни танибманки, онамнинг бир муддат тин олганини кўрмадим, ҳатто дастурхон атрофида чой ичиб ўтирганимизда ҳам биз ҳақимиздаги қайтуларини айтди, келажакимиз ҳақида ўй сурарди. Онам мактабда кимё ва биология фанидан сабоқ беради. Эртадан кечгача мактаб юмушларида, кечки пайт эса алламаҳалгача ўй юмушлари билан бўлар, эртанги кун сабоқларга ҳозирлик кўради. Онам Шифо Файзиёва ота касбида ўттиз йил давомида меҳнат қилдилар, ун олти йил раҳбарлик лавозимида фаолият олиб бордилар. Шу давр мобайнида қанчадан қанча шогирдлари тарбиялаб, билим ўргатдилар, уларнинг ўз йўлларини топиб кетишлари учун, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишлари учун катта мактаб бўлган десам, муболага бўлмайди, албатта. Ҳар ким ҳам ўқитувчи бўлавермайди, бу касбнинг ўзига яраша масъулияти, паст-балади бор. Негаки "Ўқитувчи" деган ном кўксимизга тақиб юрадиган кўркак нишонни эмас. Бу касб эгалари доно, билимли, чуқур мулоҳазали, зийрак, сабрли ва узоқни кўра оладиган, одамлар у ҳақида эшитганда ўзгача ҳавас билан тилга оладиган бўлиши керак деб биламан. Чунки у тарбия қилаётган ҳар бир шахс Худо ёрлақиб эртанги Ўзбекистоннинг оғирини енгили қиладиган инсонлар, унга тиргак бўладиган устун қабиридир. Мен онамда юқоридаги хислатларни кўра олганман. Улар сабрли, меҳнатқаш ва ўз касбига меҳр қўйган, масъулиятни ҳис қиладиган ўқитувчи. Онамнинг ана шундай қўнчаклиги, виждонан иш туттишини доим ёқтирганман. Агар мени онасини кўларга кўтариб мақтаябди, десангиз адашасиз, мен нимани кўриб, билиб турган бўлсам очик-ойдин ёзмоқдаман, холос.

Биз ака-укалар мактабу лицейларни тамомладик. Дастлаб акам Ақром ҳарбий хизматга бориб келгач, бир неча бор йиқилишлардан сўнг 2018 йил Тошкент ахборот технологиялари университетида контракт асосида ўқишга қабул қилинди. Бир йил ўтиб мен, акам, синглим Тожикистон Республикаси Хўжаанд давлат педагогика институтига ўқишга қабул қилиндик ва орадан олти ой вақт ўтиб ўқишимизни Ўзбекистонга кўчирдик. Ҳозирда мен ва синглим Чирчик давлат педагогика институтига, биродарим Ҳасан эса Тошкент давлат жаҳон тиллари университетига контракт асосида ўқимоқдамиз. Укам Юсуф 2020 йили Тожикистон давлат юридик институтига ўқишга қабул қилинди. Хуллас, бир неча йил ичида биз, беш қондошнинг кўкрагига "Талаба" деган унвон тақилди. Нафсилларини айтганда, бу бир неча сўз билан ёзиладиган гапларда улғу бир жасорат, сабр ва матонат яширинганлиги сир эмас. Зеро, беш фарзандни ўқитиб, юртга кетса қўшадиган ёнким жамиятда ўз ўрнига эга инсон даражасига етказишнинг ўзи ҳам катта иш. Ота-онамнинг бу қаҳрамонликлари уларнинг ҳар тола оқ тушган сочларига менга аён, онамнинг бизни ўйлаб тунлари ухламаганларини, тақдиримизни ўйлаб кўзёш тўққанларини ўз кўзим билан кўрмасамда ижодкор қалбим билан бунни ҳис қилиб яшадим. Йигит киши учун беҳуда ёш тўқши ор. Лекин шу сўзларимни ёзарканман кўзимда қалқиб турган кўзёшларимни яширмайман. Чунки отамнинг, онамнинг қилган меҳнатлари кўзёш тўкиб ёзишимга арзийди...

Хусан ИСПАНТОВ,

Чирчик давлат педагогика институтини талабаси.

"ЭРКАТОЙ" – ЭРТАКЛАРГА БОЙ



(Боши 1-саҳифада)

Тадбиркор бу ерда 52 та иш ўрни яратиб, боғчага 28 нафар тажрибали, ўз ишига фидойи педагог ва тарбиячиларни саралаб олди. Муассасада болажонларга жаҳон андозалари асосида таълим ва тарбия бериш учун барча шарт-шароитлар бор. Хоналар ёруғ ва шином, барча керакли жиҳозлар ва инвентарлар мавжуд. Ҳозирда ушбу масканда 350 нафардан зиёд болажонлар тарбия олмақда. 123 та иктимойи кўмакка муҳтож оилаларнинг фарзандларига 50 фоизли чегирмалар жорий қилинган. Рус тили, инглиз тили, рақс, спорт тўғрисидаги фаолият тизими йўлга қўйилган. Қолаверса, ота-оналар таклифларидан келиб чиқиб, ушбу муассасада бир кеча-кундузлик гуруҳлар ҳам ташкил этилган. Ота-оналар фарзандларини дам олиш кунларида ҳам ишончли кўларга топшириб, ўз юмушларини хотиржам бажаришлари мумкин.

Муассасада болажонларнинг овқатланиши, дам олиши, турли тўғрақларда шўғулланиши учун барча шарт-шароит яратилган. Санитария-гиена тармоғи, тиббиёт хонаси, ёш гуруҳлар учун хоналар, мусиқа зали, алоҳида ошхона, умумий овқатланиш зали, ёзги айвончалар, ўйин майдончалари болажонлар ихтиёрида.

– "Эркатой" мактабгача таълим ташкилотининг ўзига хос тарбия услублари эътиборимни тортди, – дейди Умида Саъдуллаева. – Қизим Зилола боғчага қаддам қўйганида "р" ва "ш" ни айта олмади. Утган муддат ичида қизим бу харфлар талаффузини ўрганиб олди. Бунинг учун логопед Гулнора Масалиевадан жуда ҳам миннатдорман. Боғча ақлли пешлайдиган, билимини чархлайдиган замонавий таълим-тарбия воситалари билан жиҳозланган. Гап шундаки, бу боғчада жаҳон талабларига мос ва хос бўлган воситалардан фойдаланиш ба-

робарида ривожланган давлатлар таълим йўналиши асос қилиб олинган. Мен уйимда туриб ҳам фарзандимнинг боғчадаги жараёнини бемалол кузатиб туришим мумкин.

– Ота-онани фарзандини қайси боғча ёки мактабга бериш доимо ўйлантирган, – дейди Дилором Абдураимова биз билан суҳбатда. – Чунки, фарзандингиз боғча томон ошиқса бу унинг чуқур билим ва салоҳиятга эга бўлишини таъминлаб беради. "Эркатой" болалар боғчаси ҳақида ана шундай деб айтиш мумкин.

– Биз нафақат боланинг яхши таълим-тарбия олиши балки ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом ва баркамол бўлиши тарафдоримиз, – дейди мудира Малика Ғаниева. – Бунинг учун эса бизда шароитлар етарли. Масалан, боланинг соғлом бўлиб вояга етиши учун турли спорт ўйинлари, гимнастика ва бир қатор тўғрақлар фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Тарбияланувчиларнинг ярмидан кўпи туман марказидан келадиган болажонлардир. Уларга боғчанинг "ИСУЗУ" автобуси бепул хизмат кўрсатади. Эски андозалардан тамоман воз кечиб, ноодатий дизайнлар асосида бунёд этилган ушбу намунавий боғча ва бир қатор тўғрақлар фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Шухрат СУЯРОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

➔ Эълонлар

| | | |
|--|--|--|
| <p>"AFROSIYOB BUSINESS CENTRE" МЧЖ (СТИП: 301694853) ўз таркибидан ажралиб чиқиб шаклида янги юридик шахс "EXPRESS MASLAHAT" МЧЖ қайта ташкил этилганлигини эълон қилади. "AFROSIYOB BUSINESS CENTRE" МЧЖ устав фонди 2 008 982,41 (икки миллион саккиз минг тўққиз юз саксон икки АҚШ доллари 41 цент) АҚШ доллари 12 633 000 (ўн икки миллион олти юз ўттиз уч минг) сўмга камайтирилди. Мурожаат учун телефон: +998712560052.</p> | <p>"LUCRATIVE TRADE GROUP" МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2022-йил 15-февралдаги 2022/01 сонли баённомасига асосан, жамият устав фонди миқдори камайтирилганини, жамият устав фонди миқдори 2 992 500 000 (икки миллиард тўққиз юз тўқсон икки миллион беш юз минг) га тенг эканлигини маълум қилади. Ариза ва таклифлар Тошкент шаҳри Миробод тумани Гайдар Алиев кўчаси 164А-уй манзилида қабул қилинади.</p> | <p>Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи томонидан 2017 йилда Худайбердиева (Тажиева) Муниса Рустам қизи номига берилган К № 4879537 (рўйхат рақами 611) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.</p> <p>Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 26.01.2022 йилда 1090515 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган (ИНН 309235095) "ANT-NET" МЧЖга тегишли бўлган муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.</p> <p>Тошкент шаҳри Миробод туманидаги 110-сонли айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган мактаб томонидан 2020 йилда Ахмадjonов (Мансурxonов) Абдулборий Қодиржон ўғли номига берилган UM № 0707451 (рўйхат рақами 124) рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.</p> |
|--|--|--|